



ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета № 250 (1576), 2025 йил 3 декабрь, чоршанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



ЖИЗЗАХНИНГ САЛОҲИЯТИ, ИМКОНИАТИ КАРРАСИГА ОШДИ, ОДАМЛАРНИНГ ҲАЁТГА, ИШГА МУНОСАБАТИ ТУБДАН ЎЗГАРДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 2 декабрь куни ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнлари билан танишиш ҳамда келгусидаги вазифаларни фаоллар иштирокида белгилаб олиш учун Жиззах вилоятига ташриф буюрди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб замонaviй ва қўлай йўл инфратузилмасини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Вилоят марказини М-39 халқаро автомобиль йўлига боғлаш мақсадида қарийб 290 миллиард сўм ҳисобидан 700 метрлик йўл ўтказгич ва 4 километрлик янги автомобиль йўли қурилди.

Мазкур йўл ҳар куни 14 мингдан ортиқ транспорт воситасини ўтказиш имкониятига эга.

Шу пайтгача ушбу йўналишдан аҳоли шаҳарга кириш-чиқиш учун 25 километрлик айланма йўлдан фойдаланишга мажбур эди.

Янги иншоот туфайли бу масофа 4 километргача қисқарди, эски йўлдаги тирбандликлар бартараф этилди.

Бу нафақат ҳайдовчилар, балки тадбиркорлар, логистика ва хизмат кўрсатиш соҳаси учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Металл конструкциялардан замонaviй технология асосида барпо этилган ўтказгичнинг хизмат муддати 100 йил деб баҳоланмоқда.

Анъанaviй темир-бетон ўтказгичлар одатда 50 йил хизмат қилади. Демак, хизмат муддати икки баробарга узайди.

Лойиҳанинг яна бир муҳим жиҳати — илгари йўловчи ва юк поездлар ўтган пайтда автомобиллар темир йўл кесиммасида тўхтаб қолишга мажбур эди, эндиликда эса йўл ўтказгичи қурилгани туфайли тез тиббий ёрдам, ўт ўчириш ва бошқа махсус хизматларнинг ҳаракати анча енгилашади.

Шу ернинг ўзида давлатимиз раҳбарига атом энергетикаси лойиҳаларининг бориши тўғрисида ахборот берилди.

Айни пайтда Жиззах вилоятида интеграциялашган иккита кам қувватли реактор ва

иккита катта реактордан иборат атом электр станциясини барпо этиш бошланган.

Ҳозирги босқичда реактор биноси учун котлован қазिश ишлари фаол паллага кирган. Қурилиш-монтаж базаси учун ер текислаш, бетонлаш, арматура ўрнатиш ишлари бажарилмоқда. Қурувчилар яшаш учун вақтинчалик турар жой мажмуаси барпо этилган.

Атом электр станцияси учун зарур қурилиш материалларини маҳаллийлаштириш, олийтоҳларда соҳа учун кадрлар тайёрлашни кенгайтириш режалари тақдимот қилинди.

Бўлажак электр станцияда меҳнат қиладиган мутахассислар ва лойиҳанинг оилалари учун моношаҳарча қуриш лойиҳаси ҳақида маълумот берилди.

Шаҳарча АЭСдан 16 километр узоқликда жойлашган, 10 минг кишича мўлжалланган бўлади, унда барча зарур инфратузилма, ижтимоий ва хизмат кўрсатиш объектлари кўзда тутилади.

Президентимиз Жиззах шаҳрига кириш қисминини замонaviй қиёфага келтириш бўйича мастер-режа ва реновация лойиҳалари тақдимоти билан ҳам танишди.

Реновация дастури асосида Жиззахда эски уй-жойлар ўрнида замонaviй, қўлай ва хавфсиз турар жойлар барпо этилиши режалаштирилган.

Шунингдек, IT-марказ биносини барпо этиш, хунармандчилик марказини ташкил этиш, айрим мавжуд мажмуаларни реконструкция қилиш ҳамда гавжум кўчаларни тартибга келтириш каби лойиҳалар билан танишилди.

— Бугунги Жиззах — кечаги Жиззах эмас. Вилоятни салоҳияти, имконияти каррасига ошди, одамларнинг ҳаётга, ишга муносабати тубдан ўзгарди. Шу имкониятларни аҳоли

фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган аниқ лойиҳаларга айлантиришимиз керак, — деди Президент.

Тақдимотлар довомида муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари Жиззах политехника институти қошида ташкил этилган Автомобилсозлик муҳандислик мактаби фаолияти билан танишди.

Бу ерда “BYD Uzbekistan Factory” ва “ADM Jizzakh” корхоналари билан малакали мутахассислар тайёрлаш ва уларни ишга жойлаштириш бўйича ҳамкорлик ўрнатилган.

Муҳандислик мактабида транспорт соҳасига ихтисослашган тўрт таълим йўналиши бўйича ўқув дастурлари янгича ёндашув асосида ташкил этилган.

Хусусан, иккинчи курсни юқори кўрсаткичлар билан таъминлаган талабалар BYD заводи талабалари асосида ишлаб чиқилган замонaviй ўқув платформаларида икки йиллик дуал таълим олади.

Талабалар завод билан тўғридан тўғри ҳамкорликда амалий машғулотларни ҳам ўта боради, бу эса уларга махсус ишга йўланма сертификатига эга бўлиш имконини беради.

Қисқа муддатли тайёрлов курсларида автомобиль заводига ишга кирувчи номзодлар, завод ишчилари ва ишсиз ёшларга ўзлари қизиққан касблар ўргатилади.

Бу ерда BYD автомобиль ишлаб чиқариш мини конвейери ҳам ташкил этилган. Ишлаб чиқариш цехида пайвандлаш, бўяш, йиғув ва сифат назорати бўлимлари мавжуд.

Электромобил ва зарядлаш станциясининг тузилиши, электромобилларга хизмат кўрсатиш, саноат ва дастурлаш муҳандис-

лиги, таннарх ва реверс муҳандислиги йўналишларига ихтисослашган махсус хоналар ташкил қилинган.

Дунё автомобиль саноатида битта қоида мавжуд: рақибни таҳлил қилмаган компания ривожлана олмайди.

Жиззахдаги ушбу муҳандислик мактабида биринчи марта маҳсулотни техник-аналитик солиштириш, харажатларни моделлаштириш (cost modeling), ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, жараёнларни глобал стандартлар билан таққослаш каби кўникмалар ҳам ўргатилмоқда.

Муҳандислик мактаби фақат талабалар учун эмас, балки соҳада фаолият юритиш истагидаги ёшлар ва мутахассислар учун ҳам очик. Бу ерда малака ошириш дастурлари, бошланғич касбий тайёргарлик курслари ва тадбиркорлар учун амалий ўқув модуллари ташкил этилган.

Уларда илғор мутахассислар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг тажрибали муҳандислари фаол иштирок этади.

Мактабнинг асосий мақсади — талабани тайёр кадр сифатида иш жойига боришидан олдин амалиёт муҳитига олиб киришдан иборат. Натижада битирувчилар бозор талабларига тўлиқ жавоб берадиган, етук ва рақобатбардош мутахассисга айланади.

Давлатимиз раҳбари мактабдаги машғулотлар жараёнини кузатиш, мини конвейерда ишлаётган талабалар билан суҳбатлашди.

Президентимиз шу ерда республика ва вилоят фаоллари билан ҳам мулоқот қилди.

Кейинги йилларда Жиззахда саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа кўплаб соҳаларда янги натижаларга эришилаётгани қайд этилди. Лекин ишга солинмаган имкониятлар ҳали кўплиги айтилди.

— Жиззахга келиб, янги ўсиш нуқталарини белгилаб олишни мақсад қилганмиз. Асосийси, аҳоли, хусусан, ёшларга муносиб шароит яратиш, юқори даромадли иш билан таъминлаш, — деди давлатимиз раҳбари.

Президент Шавкат Мирзиёев янгидан барпо этилган Жиззах вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказига ташриф буюрди.

Ушбу мажмуа аҳолига барча зарур тиббий хизматларни бир жойнинг ўзида кўрсатиш имконини яратиши билан катта аҳамиятга эга. Лойиҳа вилоятда ташкил этилаётган тиббиёт кластерининг дастлабки босқичи ҳисобланади.

Замонаviй тиббиётда бундай кластерли ёндашув тезкор диагностика, юқори технологияли даволаш ва шифо истаганлар учун бюрократик жараёнларни камайитиришнинг энг самарали модели сифатида тан олинган.

Давлатимиз раҳбарига муассаса имкониятлари ҳақида маълумот берилди. Президент беморларни даволаш, шифокорларнинг самарали ишлаши учун яратилган шароитлар билан танишди.

Марказ замонaviй етти қаватли бинода жойлашган бўлиб, кунига 400 нафаргача беморни қабул қилиш қувватига эга. Стационар ўринлари 344 та бўлган марказга умумий қиймати 100 миллиард сўмдан ортиқ замонaviй жиҳозлар — МРТ, МСКТ, лаборатория комплекслари ҳамда юқори технологияли жарроҳлик ускуналари ўрнатилган.

Поликлиника, радиология, кардиохирургия, нейрохирургия, офтальмология ва урология каби бўлимларнинг бир мажмуада жойлашгани тиббий хизмат кўрсатишни тезлаштиради, шифокорлар ўртасидаги

ҳамкорлик ва беморлар ҳаракатини енгилаштиради. Айниқса, янги имкониятлар туфайли юқори технологияли операциялар учун навбатларнинг қисқариши лойиҳанинг энг катта ижтимоий самарасидир.

Марказ ишга тушиши натижасида Жиззах аҳолисининг республика шифохоналари ёки қўшни вилоятларга қатнаши 75-80 фоизга камайди.

Тиббиёт кластерида Қозон федерал университети билан маҳаллий мутахассислар учун малака ошириш, илғор диагностика ва даволаш усулларини жорий этиш, замонaviй тиббий стандартларни ўзлаштириш имкониятини берувчи узок муддатли ҳамкорлик ўрнатилди.

Президентимиз соғлиқни сақлаш масъулари ва ходимлари билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари тиббиёт кластерлари ва кўп тармоқли клиникалар бошқарувида эскича ёндашувлардан чекиниб, янги механизмларни жорий қилиш, жумладан, тиббиётнинг ҳар бир йўналиши бўйича хориждан халқаро экспертлар ва етакчи менежерларни жалб қилиб, маҳаллий мутахассисларни ўзинида, бевосита муассасаларда ўқитиш, малакасини ошириш, рақамлаштириш ҳамда сунъий интеллектдан фойдаланишни кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Бу Жиззах тажрибаси бўлиши кераклиги қайд этилди.

Президентимиз аҳолининг тиббий хизматлардан розилиги масаласига алоҳида тўхталди. Соҳада амалга оширилаётган ҳар қандай ўзгаришда, энг аввало, инсон қадрини устувор бўлиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ У.М. МУСТАФОВНИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Улуғбек Мавлонович Мустафоев** Жиззах вилояти ҳоқими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2025 йил 2 декабрь

Конституция — инсон қадрини, эркинлик, тенглик ва адолат гарови!

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ОДИЛ СУДЛОВ

ЁХУД ҲУҚУҚИЙ-ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ, АДОЛАТПАРВАР ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДА

Шу кунларда халқимиз муҳим тарихий сана — Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилинганнинг ўттиз уч йиллигини “Конституция — инсон қадрини, эркинлик, тенглик ва адолат гарови!” деган ҳаётини шир остида кенг нишонламоқда.

Мамлакатимизда 2023 йил 30 апрель куни бўлиб ўтган референдумда халқимиз янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилди. Умумхалқ референдуми кўп миллатли буюк халқимизнинг бирдамлиги ва ҳамжихатлиги, суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат барпо этишга қатъий қарорининг дадил ифодаси бўлди.

Шубҳа йўқки, моҳият-маънунинга кўра ҳар томонлама пишиқ-пухта ўйланган ва умумэтироф этилган, халқаро демократик стандартлар талабларига мос Бош қонунимизнинг янгиланиши нафақат жамиятимиз ҳаётининг ноёб сиёсий ҳужжат, ижтимоий-ҳуқуқий воқеа, балки улкан оламшумул ҳодиса бўлди.

▶ Давоми 3-бетда

ЖИЗЗАХНИНГ САЛОҲИЯТИ, ИМКОНИЯТИ КАРРАСИГА ОШДИ, ОДАМЛАРНИНГ ҲАЁТГА, ИШГА МУНОСАБАТИ ТУБДАН ЎЗГАРДИ

Бошланиши 1-бегда

— Одамларимизни кўпроқ бино, ундаги шароит эмас, хизматнинг сифати, шифокорнинг билими, малакаси, ҳалоллиги ўйлантрилади. Шифохонага келган одам, аввало, эътибор ва тўғри ташхис, тез ва сифатли даволанишни истаيدди. Шунинг учун энг катта вазифа — аҳолига чин дилдан хизмат қиладиган, юксак малака ва компетенцияга эга бўлган тиббиёт тизimini яратишдир, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу ернинг ўзида Қозон тиббиёт университети Жиззах филиали ўқитувчилари ва талабалари билан суҳбат бўлиб ўтди. Ўқув жараёнида амалий дарсларни кўпайтириш, талабаларни жаҳон тиббиётининг ютуқлари ва илгор тажрибаси билан доимий таништириб бориш муҳим экани таъкидланди.

Президентимиз Жиззах вилоятга ташрифи доирасида Шароф Рашидов туманидаги “Агропарк” қишлоқ хўжалиги корхоналари мажмуасида ҳам бўлди.

Ортимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган эътибор тўғрисида ҳақиқатларни кенгайтиб, ҳосилдорликни оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жойларда агропарклар ташкил қилиниб, фермер ва деҳқонларга комплекс хизмат кўрсатиш йўлга қўйилмоқда.

Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманида ҳам ана шундай марказ фаолият бошлади. Марказда ўсимликларни ҳимоя қилиш лабораторияси, ветеринария дорихонаси, агроном маслаҳати, уруг ва кўчатлар етказиб бериш, аҳоли хонадонларига иссиқхоналар қуриш, агропарк дўкони, мини-техникалар сотиш ва уларга хизмат кўрсатиш каби йўналишлар мавжуд.

Бу ерда қишлоқ хўжалиги бўйича барча хизматлар “ягона дарча” тамойили асосида йўлга қўйилган. Бир гектар жойини қамраган марказнинг биринчи қаватида ўсимликлар ҳимоя воситалари дўкони, ветеринария дорихонаси, уруг дўкони, агропарк, мобил бригада хоналари ва 8 та бошқа хизмат хонаси жойлашган.

Иккинчи қаватда ўсимликларни ҳимоя қилиш лабораторияси мавжуд. Шунингдек, тупроқ ва сув таҳлили хонаси, энтомология ҳамда фитопатология хоналари ташкил этилган. Марказ ҳудудида вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси, Аграрноишти ривожлантириш агентлиги бўлими, агроспекция, уругчилик маркази, қорақўлчилик уюшмиси

ҳамда қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотлар жойлашган.

Давлатимиз раҳбари агропарк фаолияти билан таништириб, марказ фаолиятини янада кенгайтириш, микрорайон учун хизматларни кўпайтириш ва қишлоқ хўжалигида қўшилган қиймат яратиш бўйича тавсияларини берди.

Шундан сўнг Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг навбатдан ташкари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

— Вилоятни қандай оғир шароитлардан олиб чиққанамиз, Жиззахнинг ҳар бир туманида бўлаётган катта-катта ўзгаришларни, одамларнинг хурсандчилигини кўриб, жуда қувонаман ва махрланаман, — деди давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида.

Утган даврда Жиззах вилояти республикадаги саноати энг тез ўсаяётган ҳудудга айланди. Саққиз йилда 6,5 миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари ишга тушган бўлса, шунинг 45 фоизи саноат ҳиссасига тўғри келади. Жиззаҳда йилга 175 минг автомобил ишлаб чиқариш қувватлари яратилди.

Қисқа фурсатда Зомин, Форш, Арнасой туманлари ва Жиззах шаҳрида 2 миллиард долларлик 500 дан зиёд туризм ҳамда сервис объектлари иш бошлади. Арнасой ва Зоминда 300 миллион доллар ҳисобига 12 ой давомида тўлиқ ишлайдиган курорт зоналари ишга тушгани, уларда аэропортлар барпо этилгани натижасида Жиззах энг жозибador туристик маршрутлардан бирига айланди.

Саққиз йил олдин Жиззаҳдаги иш ўринларининг 42 фоизи қишлоқ хўжалигига тўғри келган бўлса, бугун 310 мингга яқин вилоят аҳолиси саноат ва сервис соҳаларидаги юкори даромадли ишлар билан банд.

Пахтачиликка мослашган вилоятнинг қишлоқ хўжалиги ҳам тубдан диверсификация қилинди. Баҳмал, Галлаорол, Зомин, Янгиобод, Форш туманлари богдорчиликка ихтисослашиб, 28 минг гектар янги бог ва тоқзорлар барпо этилди. Мирзачўл, Дўстлик, Зафаробод, Зарбдор, Пахтакор, Арнасойнинг чўл ҳудудларида 12 минг гектар ерларда ҳам бог ва сазавот плантациялари ташкил этилди.

Умуман, сўнгги саққиз йилда Жиззаҳда саноат 2,5 триллиондан 25 триллион сўмга, хизматлар 2,5 триллиондан 20 триллионга, қишлоқ хўжалиги 9 триллиондан 30 триллион сўмга ошгани таъкидланди.

— Албатта, бу — катта ислохотларимизнинг бошланиши. Жиззах вилоятини

ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлида ҳали кўп ишларни қилишимиз зарур, — деди Президентимиз.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди. Президентимиз Жиззах вилояти ҳокими лавозимига ҳоким вазифасини бажариб келаяётган Уллубек Мустафоев номзодини илгари сурди. Овоз бериш натижаларига кўра, Уллубек Мустафоев Жиззах вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Давлатимиз раҳбари саноат, инвестиция, туризм, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва инфратузилма соҳаларини ривожлантириш бўйича янги ташаббусларни илгари сурди. Жиззахнинг республика автомобилсозлик саноатидаги улуши 25 фоизга етган. Навбатдаги вазифа завоқлар атрофида ёндош тармоқларни ривожлантириб, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш ва таннархни камайтиришдан иборат экани қайд этилди.

Тадбиркорларга қўлай шартларда тайёр биноларни тақлиф этиш, бутловчи қисмларни валидация қилиш харажатларининг 50 фоизини қоплаб бериш вазифалари белги олинди.

Вилоятда йилга 1 минг тонна вольфрам қазиб олиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Галлаорол ва Нурободдаги лойиҳалар ишга тушса, Ўзбекистон вольфрам ишлаб чиқариш бўйича етакчи давлатлардан бирига айланиши таъкидланди.

Мутасаддиларга Галлаоролдаги олтин ресурсларга эга истиқболли майдонга инвестор жалб қилиш, Форшдаги кўроғошин-руҳ қонида геология-қидирув ишларини охирига етказиб, Арнасойдаги уран захираси аниқланган қониқлик техника-иқтисодий асосини яқунлаш топширилди.

“Жиззаҳ” эркин иқтисодий зонасидаги 510 миллион долларлик 30 та лойиҳа ҳисобига 10 мингга яқин одамнинг бандлиги таъминланди. Бу ерда яна 540 миллион долларлик лойиҳалар жадал кетмоқда.

Тадбиркорлар янги лойиҳалар учун саноат зонасини етарли қувватда электр билан таъминлаш ва сув тозалаш иншоотини қуриб беришни сўрамоқда.

Энергетика вазирлигига бу ерда 40 километр юкори кучланиши тармоқ тортиб калта. Шу тарзда йиллар ўтди. Наҳмиддин давлатимиз эътибори ва кўмаги билан ўзини анча ўнглаб олди.

Қаранг, шунча пайтдан буён ҳал бўлмаган иши бир пасда битди. Беморга Тошкентда, Самарқандга бориб доволанишига ёрдам кўрсатилди. Ногиронлик аравачаси олиб берилди. У бутун тор мутахассисли шифокорлар назоратида. Айни пайтда Наҳмиддин ўзгаларнинг ёрдамисиз ногиронлик аравачасида ўзи ҳаракат қилмоқда.

Кўрсатилган эътибор, ёрдамдан хурсанд. Энг муҳими, туманда Наҳмиддинга ўхшаган кўпга беморлар, муҳтожларга бегараз ёрдам берилди.

Мамлакатимизда юритилаётган сиебатининг мақсади ҳам шу: ҳалқ давлатга эмас, давлат ҳалққа хизмат қилиши керак. Наҳмиддин Худойкулов ва унга ўхшаган беморлар, ёрдамга муҳтожлар билан бўлган ҳолатда давлатимиз раҳбари айтган, талаб қилаётган “инсон қадрини, ижтимоий ҳимоянинг яққол намунасини кўрдим.

Бекобод қадим юрт, саноат, қишлоқ хўжалиги, қўйинги, барча соҳалар ривожланиётган туман. Айниқса, сўнгги йилларда улкан ишлар қилинди. Юкорида айтганларим — маҳаллалардаги айрим ўзгаришлар бунга мисол. Лекин аслида туманда қилинаётган ишларнинг кўлами бекис. Демокраникам, раҳбарлар ҳалол бўлса, ҳалқим, юртим деб ёниб ишласа, ҳар қандай қийинчиликларни енгиши, қўзланган мақсадга эришиши мумкин экан.

Тошкентга бориб доволанай деса, қўли калта. Шу тарзда йиллар ўтди. Наҳмиддин давлатимиз эътибори ва кўмаги билан ўзини анча ўнглаб олди.

Қаранг, шунча пайтдан буён ҳал бўлмаган иши бир пасда битди. Беморга Тошкентда, Самарқандга бориб доволанишига ёрдам кўрсатилди. Ногиронлик аравачаси олиб берилди. У бутун тор мутахассисли шифокорлар назоратида. Айни пайтда Наҳмиддин ўзгаларнинг ёрдамисиз ногиронлик аравачасида ўзи ҳаракат қилмоқда.

Кўрсатилган эътибор, ёрдамдан хурсанд. Энг муҳими, туманда Наҳмиддинга ўхшаган кўпга беморлар, муҳтожларга бегараз ёрдам берилди.

Мамлакатимизда юритилаётган сиебатининг мақсади ҳам шу: ҳалқ давлатга эмас, давлат ҳалққа хизмат қилиши керак. Наҳмиддин Худойкулов ва унга ўхшаган беморлар, ёрдамга муҳтожлар билан бўлган ҳолатда давлатимиз раҳбари айтган, талаб қилаётган “инсон қадрини, ижтимоий ҳимоянинг яққол намунасини кўрдим.

Бекобод қадим юрт, саноат, қишлоқ хўжалиги, қўйинги, барча соҳалар ривожланиётган туман. Айниқса, сўнгги йилларда улкан ишлар қилинди. Юкорида айтганларим — маҳаллалардаги айрим ўзгаришлар бунга мисол. Лекин аслида туманда қилинаётган ишларнинг кўлами бекис. Демокраникам, раҳбарлар ҳалол бўлса, ҳалқим, юртим деб ёниб ишласа, ҳар қандай қийинчиликларни енгиши, қўзланган мақсадга эришиши мумкин экан.

Мирзақул БЕРДИҚУЛОВ, пенсионер

Саноатнинг энергия билан таъминланганлик даражасини ошириш учун жорий йил 200 мегаватт, кейинги йил 300 мегаваттлик қувватлар яратилди. Бунга қўшимча 30 мегаваттлик 150 та кичик ва мини ГЭСлар ишга туширилади.

Вилоятда инфратузилмани яхшилаш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун келаси йил қарийб 10 триллион сўм ресурс берилиши эълон қилинди.

Баҳмал ва Зомин туманларидаги тоғли ҳудудларни ягона туризм ҳалқасига бириктириш орқали юзлаб сервис объектларини ишга тушириш, минглаб одамларни ишли қилиш, туризм экспортини каррасига ошириш мумкинлиги таъкидланди.

Мутасаддиларга келгуси йилда “Зомин — Баҳмал — Галлаорол” йўлининг 158 километр қисмини таъмирлашни бошлаш топширилди. Баҳмал туманида 39 гектар майдонда 40 миллион доллар инвестиция ҳисобига туризм кластерини ташкил қилиш ташаббуси маъқулланди. Баҳмалга ҳам “туризм тумани” мақоми берилиши белги олинди.

Арнасой аэропортда катта самолётларни ҳам қабул қилиш имконини яратиш зарурлиги қайд этилди. Бундан ташкари, Айдар-Арнасой кўлигача темир йўл ҳам олиб келинади. Президентимиз қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор қаратди.

Вилоятдаги жами 900 минг гектар лалми ва яйлов ерларининг 110 минг гектари захирада тургани, уларда озуқа, мойли эканлар экиш ва саноат богларини яратиш орқали камиди 20 минг одамни ишли қилиш мумкинлиги таъкидланди.

Шунингдек, вилоятдаги кўпга чорвадор ва фермерлар озуқа ҳамда мева-сабзавот етиштиришда сув насосига сарфланган электр учун субсидиялар оғир бўлиши бошда тўлаб беришни сўраган. Мутасаддиларга бундан республикада ушбу субсидияларни ой бошида берадиган тизим қилиш муҳим экани кўрсатиб ўтилди.

Картошқачиликни ривожлантириш борасида Жиззах вилояти намуна бўлиши кераклиги таъкидланди. 2026 йилдан бошлаб картошка етиштирувчиларни қўлаб-қувватлашнинг янги механизмлари жорий этилиши белги олинди.

Бунда минерал ўғит, техника, ёқилғи ва бошқа харажат учун 6 ойлик имтиёзли давр билан бир йил мuddатда 12 фоизлик кредит ажратилди. Кредитларнинг 50 фоизгача қисмига кафилик тақдим этилади, сугорилган насосларга қуёш панели ўрнатиш харажатининг ярми қоплаб берилади.

Келгуси йилдан сугорилган насосларнинг электр харажатини 50 фоиз қоплаб берилади, четдан олиб келинган картошка экиш ва йиғиб олиш техникалари божхона божларидан озод қилинади.

Шу билан бирга, суперэлита ва элита уруғларини фермерларга етказиб беришгача бўлган даврда музлаткичли омборхоналарда сақлаш харажатининг 50 фоизини қоплаб бериш механизми жорий қилинади.

Бундан ташкари, Баҳмалдаги богдорчилик хўжаликларини учун бир қатор янгиликлар эълон қилинди. Хусусан, интенсив бог ташкил қилишда 7 йил мuddатга 3 йил имтиёзли давр билан 14 фоиздан кредит берилади. Меванинг турига қараб, шпалерлар учун 20 минг сўмдан 70 минг сўмгача субсидия ажратилади.

Шунингдек, музлаткичли омборлар учун кредит фозини асосий ставкадан ошган 8 фоизгача қисми қоплаб берилади. Мева-сабзавот экспортчилари ва богборларга ҳам қадоклаш харажатларининг 50 фоизини қоплаш учун субсидия тўланади.

Умуман, келаси йили богдорчилик бўйича Баҳмалда тажриба мактаби яратилиб, ушбу имтиёзлар бутун республикада жорий қилинади. АҚШлик ҳамкорлар билан Зоминда паррандачилик бўйича ийрик наслчилик корхонаси ташкил қилинмоқда. Ушбу кластерда 100 минг бош қувватдаги биринчи насли она товук ва 9 миллион дона инкубацион тухум ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу уникал лойиҳа республикада паррандачиликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Қурилиш ва инфратузилма масалалари муҳокама қилинар экан, ижтимоий хизматлар, меҳнат бозори ва инфратузилмани марказдан узоқ маҳаллалар аҳолисига яқинлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Урбанизация миллий кўмитаси ва вилоят ҳокимлигига Европададан мутахассисларни жалб қилиб, Жиззах шаҳри ва Шароф Рашидов туманини ягона агломерация асосида ривожлантириш бўйича мастер-режа ишлаб чиқиш топширилди.

Вилоят аҳолисининг талаб ва истакларини инобатга олиб, Жиззах шаҳридаги тирбандликни бартараф этиш учун 10 километрлик айланма йўл қурилади. Шунингдек, Даштобод шаҳарчаси ва Ховос тумани ўртасидаги темир йўл устидан ҳам янги кўприк қурилиши бошланди.

— Бутун сизлар билан вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олдимизда турган янги вазифаларни белгилаб, асосий масалаларни муҳокама қилиб олдик.

Бу сай-ҳаракатлар ва қабул қилаётган қарорларимиздан мақсад битта — шу ерда яшаб, меҳнат қилаётган одамларни рози қилиш, вилотини ҳар томонлама ривожланган ҳудудга айлантириш, — деди давлатимиз раҳбари йилгили якунида.

Сессия давомида вилоят ва туман ҳокимларининг ҳисоботлари, фаолларнинг фикрлари тингланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Жиззах шаҳрида жойлашган “Кўк сарой” савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси вилоят билан ҳам танишди.

Мамлакатимизда савдо соҳасида замонавий хизматлар кўрсатиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти учун қўлай шароит яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жиззах шаҳридаги 3,5 гектар майдонда фаолият юритаётган “Кўк сарой” мажмуаси савдо ва маийий хизмат соҳасида вилоятдаги энг ийрик объектлардан биридир.

Бу ерда 300 дан ортик янги тадбиркорлик субъектлари иш бошлаган. Натижада 800 дан зиёд иш ўрни яратилди, жумладан, эҳтиёж-наом тоннадаги 100 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Мажмуада ийрик савдо тармоқларининг филиаллари, 10 та ийрик маҳаллий ва хорижий бренд ишламоқда, 250 та савдо дўкони, фуд-корт ва болалар майдончаси жойлашган. Кўрсатилган хизматлар ҳажми йилга 223 миллиард сўми ташкил этмоқда.

Эътиборлиси, мажмуада кутубхона ва китоб дўкони ҳам ташкил этилган. Лойиҳанинг иккинчи босқичи сифатида мингта савдо шохобчасини ўз ичига олган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ихтисослашган уч қаватли “Экобозор” қурилиши режалаштирилган. Натижада 2 мингта янги иш ўрни яратилди.

Президентимиз мажмуа фаолияти билан танишиб, таширф бюорганлар билан самимий мулоқот қилди. Хизматларни комплекс ёндашув асосида янада ривожлантириш, бундай марказларни бошқа ҳудудларда ҳам кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг Жиззах вилоятга ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБЕКОВ,
Абдулазиз РУСТАМОВ,
Абдуҷалол ҚАЮМОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари



ЎЗГАРТИРСА БЎЛАР ЭКАН-КУ...

Ёшим етмиш бешда. Бекобод туманининг “Оқтепа” маҳалли фуқаролар йиғинида яшайман. Кекса бир фуқаро сифатида маҳаллам, қишлоғимиз, туманимизда бўлаётган ўзгаришларни мунтазам кузатиб бораман. Баъзан муаммолардан кўнглим ранжиса, баъзан ислохотларни, ўзгаришларни кўриб, астойдил қувонаман.

Тўғриси айтсам, туманимизда сўнгги бир-икки йилда жуда катта ишлар қилинди. Сирдарё устида бир неча ўн йиллардан бурун тўхтаб қолган кўприк қурилиши ниҳоятга етди. Натижада туманининг Навойи ва Галаба қишлоқлари аҳолисининг узоғи яқин бўлди. Шу пайтга қадар бу пунктларда яшовчи одамлар туман марказига келиш учун қирқ-элик километр йўл босарди. Қўшни Сирдарё вилоятдаги қариёндошлариникига бориб келиш ҳам оsonлашди.

Яқин-яқингача туманимиз маркази Зафар шаҳарчасидаги кўп қаватли уйлар ҳолатига қараб бўлмасди. Улар ҳам таъмирланиб, туман маркази обод гўшага айланди. Ҳар сафар Зафарга йўлни тушганда, ишласа, ўзгартирса бўлар экан-ку, дейман. Нега шунча йиллардан буён шу оддий ишлар ҳам қилинмаганидан афсусланаман.

Хозир “Оқтепа” маҳалла фуқаролар йиғинимизнинг янги биноси қурилиши давом этмоқда. Эски бино абгор аҳволга келиб қолган бўлса-да, шу кунгача ҳеч ким бунга эътибор бермаганди.

Тўғриси айтсам, туманимизда сўнгги бир-икки йилда жуда катта ишлар қилинди. Сирдарё устида бир неча ўн йиллардан бурун тўхтаб қолган кўприк қурилиши ниҳоятга етди. Натижада туманининг Навойи ва Галаба қишлоқлари аҳолисининг узоғи яқин бўлди. Шу пайтга қадар бу пунктларда яшовчи одамлар туман марказига келиш учун қирқ-элик километр йўл босарди. Қўшни Сирдарё вилоятдаги қариёндошлариникига бориб келиш ҳам оsonлашди.

Яқин-яқингача туманимиз маркази Зафар шаҳарчасидаги кўп қаватли уйлар ҳолатига қараб бўлмасди. Улар ҳам таъмирланиб, туман маркази обод гўшага айланди. Ҳар сафар Зафарга йўлни тушганда, ишласа, ўзгартирса бўлар экан-ку, дейман. Нега шунча йиллардан буён шу оддий ишлар ҳам қилинмаганидан афсусланаман.

Хозир “Оқтепа” маҳалла фуқаролар йиғинимизнинг янги биноси қурилиши давом этмоқда. Эски бино абгор аҳволга келиб қолган бўлса-да, шу кунгача ҳеч ким бунга эътибор бермаганди.

Шу ўринда маҳалламиз билан бог-лик яна бир янгиликни айтиб ўтмасам бўлмас. Яқин кунларда қишлоғимизда янги врачлик пункти биноси фойдаланишга топширилади. Бу маҳалламиз чиройига чирой кўшиш билан бирга, тиббиёт янада яхшиланганига хизмат қилади, албатта. ҚВП замонавий,

тиббий ускуналар билан ҳам жиҳозланади. Натижада туман ва вилоят марказига довланиш учун борувчи беморлар сонни камаяди.

Маҳалламизга тоза ичимлик сув келади, деган гап чиққанига анча бўлди. Лекин тортиб келинган қувурларни қудуққа улаш узоқ вақтдан буён ҳал этилмаётганди. Бу иш ҳам охирига етказилиб, яқинда маҳалладошларимиз тоза ичимлик сув ича бошлади.

Кўпчилик ёшлар хорижга иш излаб кетиб қолаётганидан кўп нолимади. Бу бор гап. Лекин ҳар бир МФЙ, туман ёки вилоят раҳбари бу муаммонинг олдини олиш, янги иш ўринларини яратиш билан астойдил шугулланса, масалани ҳал этиш мумкин. Қишлоғимиз ёнида ташландиқ ер бор эди. Атрофи чиқиндиҳонага айланганди. Ушбу ҳудуд ободонлаштирилиб, пахта қабул қилиш пункти ва завод қурилди. Натижада бекор юрган юзлаб ёшлар, аҳоли ишли бўлди. Бу дегани, ўнлаб оланнинг тиркичилиги яхшиланди, кўпчилик хорижга кетмай, фарзандлари тарбияси билан шугулланмоқда.

Шу ўринда яна бир гапни алоҳида таъкидлаш лозим. Туманимизнинг “Пастки Керайт” МФЙда яшовчи Наҳмиддин Худойкулов анча пайтдан буён қон босими баландлиги ва беллидаги грижадан озор чекарди. Бормаган жойи, учрамаган раҳбари қолмади. Лекин ҳеч кимдан нажот топмади. Нурафшонга,

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ФАОЛИЯТИ РИВОЖИНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Ҳафталик

Президентимизнинг 2024 йил 26 августдаги “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўлаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида юртимизда ҳар йили декабрь ойининг биринчи ҳафтасида “Фуқаролик жамияти ҳафталиги” ўтказилиши белги олинган. Шу кунларда ушбу тадбир уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда.



Парламент аъзолари, давлат идоралари ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, хорижий экспертлар иштирок этаётган ҳафталик дастлаб фуқаролик жамиятининг 1500 нафардан ортик вакилини жалб этган ҳолда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилди. Бу жараёнда сараланган тақлиф ва ташаббуслар асосида пойтахтимизда тадбирлар давом этмоқда.

Сўнгги йилларда фуқаролик жамияти институтлари учун янги давр бошланди. 2023 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституциямизда биринчи маротаба фуқаролик жамияти институтларига бағишланган алоҳида боб киритилди, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этиши белгилаб қўйилди.

Жорий йилда соҳага оид 20 га яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Хусусан, 2025 йил 21 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун билан фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига дахлдор 10 та қонунга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди.

Конституция — инсон қадри, эркинлик, тенглик ва адолат гарови!

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ОДИЛ СУДЛОВ

ЁХУД ҲУҚУҚИЙ-ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ, АДОЛАТПАРВАР ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДА



Мирзо Улуғбек АБДУСАЛОМОВ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ АЙНАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА МУҲИМ ВАКОЛАТЛАРГА ЭГА БЎЛДИ, ТАЪБИР ЖОИЗ БЎЛСА, ҚАЙТА ШАКЛЛАНТИРИЛДИ. 2017 ЙИЛГА ҚАДАР КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД БОШ ҚОНУНГА МУВОФИҚ ЖАМИ ТЎРТТА ВАКОЛАТГА ЭГА БЎЛГАН. ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИДА УНГА ҚЎШИМЧА ЯНА БЕШТА ВАКОЛАТ БЕРИЛДИ.

Хусусан, Конституциявий суд фаолиятининг дастлабки давридан бошлаб қатор қонун ва қарорлар, жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив характердаги ҳужжатларини бош қонун нормаларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан ўрганишга киришиб, зарур ҳолларда ушбу норматив ҳужжатларни қабул қилган давлат органларига тегишли тавсиялар бериб борди. Шу тариқа Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви тизимида конституциявий қонунийликни таъминлашнинг янги воситаси — конституциявий одил судловни амалга ошириш механизми қарор топди. Давлат ва жамиятда конституциявий-ҳуқуқий маданият даражасини юксалтиришга масъул институт вужудга келди. Қонун ижодкорлиги жараёнида ҳар қандай бутун мамлакат миқёсида бир хил ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонунийлик принциплари қатъий риоя қилиш талаби давлат ва жамият ҳаётининг кун тартибидан муқим ўрин олди.

Иккинчидан, Конституциявий судга мурожаат қилувчи субъектлар доираси кенгайтирилди. Илгари Конституциявий судга асосан Олий Мажлис палаталари, Президент, Олий суд ва Бош прокурор каби субъектлар мурожаат қилиши мумкин эди. Янги қонунга мувофиқ эса қатор янги субъектларга ҳам мурожаат ҳуқуқи берилди. Жумладан, Ҳисоб палатаси аъзолари, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Президент хузуридаги Бизнес-омбудсман ҳам Конституциявий судга белгиланган тартибда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

Яна бир муҳим ваколат фуқаролар ва юридик шахсларга конституциявий шикоят ҳуқуқи берилиши бўлди. Энди фуқаролар ёки ташкилотлар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини бузётган деб ҳисоблаган қонун ҳужжати бўйича бевосита Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу янгилик туфайли шахсий ҳуқуқий ҳимоя механизми мустаҳкамланиб, суд адолати тиклаш учун янада очиқ ва халқчил тузилмага айланди. Дарҳақиқат, Конституциявий судга жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи берилиши конституциявий назоратни халқ манфаатларига янада яқинлаштирди.

Инсон қадри учун

Янги Ўзбекистон шароитида Конституциявий суд конституциявий назорат органи бўлиш баробарида мамлакатимизда “Инсон қадри учун” тамойили асосида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотларга, тўғридан тўғри амал қиладиган янги тахрирдаги Конституция руҳи ва талабларига ҳамоҳанг, халқчил фаолият



тамойиллари изчил қарор топаётгани, демократик ислохотлар ҳуқуқий пойдеворга таъйинланган ҳолда амалга оширилаётганининг яққол намоёнидир.

Халқро эътироф

Янги Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тобора юксалиб бораётган мустақил позицияси ва изчил сиёсий йўли очиқ, прагматик ва инсон қадрига асосланган давлат сиёсати самарасидир. Зеро, мамлакатимиз ҳар дом тинчлик ва барқарор тараққиёт сари интилади.

Ташқи сиёсатимиздаги амалий қадамлар қардош кўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлади. Марказий Осиёда ҳамжиҳатлик муҳитини яратди, халқро ташкилотлар билан изчил ҳамкорлик йўлига қўйилди. Натижада юртимиз нуфузи сезиларли даражада ошди.

Бу жараён нафақат иқтисодий ёки сиёсий соҳада, балки ҳуқуқий институтлар фаолиятида ҳам ўз аксини топмоқда. Конституциявий суд фаолияти бугун Ўзбекистоннинг халқро ҳуқуқий майдондаги нуфузининг муҳим кўрсаткичларидан бирига айланди. Конституциявий суднинг демократик ислохотлар тўққинчида шакланган ҳуқуқий асослари, очиқ ва ошқора фаолияти, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга йўналтирилган фуқаролар билан ишлаш тажрибаси хорижий мамлакатлар судлари ва экспертлари томонидан ҳам қатъий эътибор билан ўрганилмоқда.

2025 йил 11 ноябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ташкил топганининг ўттиз йиллиги муносабати билан “Конституциявий ислохотлар ва конституциявий назорат институти ривожлантиришнинг долзарб масалалари” мавзусида йирик халқро анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда Олий Мажлис Сенати, Қонунчилик палатаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича вәкил (Омбудсман),

раислик Таиланд қироллиги Конституциявий судлари ва эквивалент институтлар ассоциацияси президенти вазифасини бажарган Таиланд қироллиги Конституциявий суди президенти Накхарин Мектрайрат ассоциация байроғини Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига топширар экан: “Ишонаман, Ўзбекистон томони раислигида Осиё конституциявий судлари минтақавий ташкилоти ҳамкорлиги янада мустаҳкамланади. Ассоциация қонун устуворлигини таъминлашда янада муҳим ўрин тутишига ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Осиёнинг унганга эъзо барча — йигирма икки давлати конституциявий назорат органларини умумий мақсадлар йўлида бирлаштиради”, деб алоҳида таъкидлади.

Бу, аввало, Ўзбекистон Республикаси Президентини юритаётган адолатли ва оқилона сиёсатнинг эътирофи, янги Ўзбекистондаги кенг кўламли ислохотларга ишончдир. Шунингдек, нафақат ҳуқуқий соҳадаги улкан ютуқ, балки мамлакатимизнинг халқро нуфузи, демократик қадриятларга садоқати ва қонун устуворлигини таъминлашдаги тажрибасининг халқро миқёсидаги яна бир эътирофи бўлди.

Шаффоф ва ҳолис тизим

Ҳар бир тараққиёт босқичида амалга оширилган юксак самарали ислохотлар кейинги босқич учун таъин вазифасини ўтади. Янги Ўзбекистондаги ўзгаришлар ҳам ана шундай изчил таҳлил, стратегик ёндашув ва халқ манфаатини устувор қўйиш сиёсати самараси.

Конституциявий қадриятлар ҳимоячиси

Давлатимиз раҳбари 2022 йил 20 июнь кунини бўлиб ўтган Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда “Конституциянинг олий юридик кучга эга экани, тўғридан тўғри қўлланиши, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ажралмас ва дахлсиз бўлиб, ҳар кимга тўғилганидан бошлаб тегишли экани қайд этилмоқда. Буларнинг барчаси Асосий қонуннинг ҳимоячиси бўлган Конституциявий суд фаолиятини янада тақомиллаштиришни тақозо этмоқда. Мазкур суд бошқа судлар-



Янги Ўзбекистон шароитида Конституциявий суд конституциявий назорат органи бўлиш баробарида мамлакатимизда “Инсон қадри учун” тамойили асосида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотларга, тўғридан тўғри амал қиладиган янги тахрирдаги Конституция руҳи ва талабларига ҳамоҳанг, халқчил фаолият юритмоқда.

дан фарқли ўлароқ, фақат Конституциявий суд фаолиятида унга асосий қонуннинг устуворлиги принципини таъминлайди”, деб таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди айнан янги Ўзбекистон шароитида муҳим ваколатларга эга бўлди, таъбир жоиз бўлса, қайта шакллантирилди. 2017 йилга қадар Конституциявий суд Бош қонунга мувофиқ жами тўртта ваколатга эга бўлган. Ислохотлар натижасида унга қўшимча яна бешта ваколат берилди.

Айниқса, 2021 йил 27 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги конституциявий қонун Конституциявий суднинг ваколатлари, мустақиллиги ва институционал ролини сезиларли даражада кучайтирди. Бу қонун суднинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш билан бирга фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда таъсирчан ва самарали ҳимоя механизмининг жорий этиш имкониятини янада кенгайтирди.

Ушбу қонун Конституциявий суд фаолиятини тубдан ислоҳ қилиб, демократик принципларга мувофиқ янада очиқ ва самарали конституциявий назорат тизимини жорий этиди.

Биринчидан, суд таркиби сезиларли равишда кенгайтирилди. Конституциявий суд судьялари сонини раис ва ўринбосарини қўшган ҳолда етти нафардан тўққиз нафарга оширилди. Бу ўзгариш судга иш ҳажмининг ошиши ва алоҳида ҳайъатларда ишлаш заруратини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинди. Энди суд муҳокамаларида кўпроқ судьялар иштирок этиши таъминланди.

оритмоқда. Суд қарорлари қонун ижодкорлиги амалиётига, ҳуқуқий ислохотлар конституциявий стандартларга мос ривожланишига қўмақлашмоқда. Бугун Конституциявий суднинг асосий вазифаси — инсон қадри, ҳуқуқ ва эркинликларни устувор бўлган жамиятда Конституция ва қонунларга оғишмай риоя қилиш, адолат, инсонпарварлик, қонунийлик принципини таъминлашдир.

Конституциявий янгиланиши, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, жамиятда очилдиқ ва жавобгарлик муҳитини шакллантириш каби ташаббуслар фуқароларнинг давлатга ишончини мустаҳкамламоқда. Инсон қадри учун тамойили нафақат давлат сиёсатида, балки ҳар бир ислохотнинг мазмун-моҳиятида, хусусан, конституциявий назорат тизимини тақомиллаштириш жараёнида ҳам акс этмоқда.

Суд-ҳуқуқ ислохотлари Конституциявий суд фаолиятида қуйидаги муҳим жиҳатларда ўз ифодасини топди: биринчидан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда суднинг таъсирчанлигини ошириш, иккинчидан, қонун ижодкорлиги жараёнига ҳуқуқий-экспертлик, қабул қилинган ҳужжатларнинг конституциявийлигини текшириш ҳиссасини янада кучайтириш, учинчидан, Конституциявий суд қарорларининг очилдиқлиги, шаффофлиги ва ижтимоий аҳамиятини таъминлаш, тўртинчидан, фуқароларнинг судга мурожаат қилиш имкониятини кенгайтириш, жумладан, он-лайн мурожаатларга шaroит яратиш.

Мазкур тенденциялар Ўзбекистонда конституциявий адолат соҳасида шакланган ҳуқуқий тизимнинг барқарор ва замонвий асосларга эга эканини кўрсатади. Конституциявий суднинг ўттиз йиллик тажрибаси мамлакатимизда конституционализм



Олий суд, Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги раҳбарлари ва вәкиллари, маҳаллий мутахассислар ва экспертлар, шунингдек, ўндан ортқ хорижий мамлакатнинг конституциявий судлари раис ва судьялари ҳамда ўттиздан ортқ эксперт, хусусан, Германия ҳамда ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, Конрад Аденауэр жағмармаси ва Тошкент давлат юридик университети профессор-ўқитувчилари ҳамда ОАВ вәкиллари иштирок этди.

Халқро конференция доирасида 2026-2027 йилларда Осиё конституциявий судлари ва эквивалент институтлар ассоциацияси

Шаффоф ва ҳолис тизим

Ҳар бир тараққиёт босқичида амалга оширилган юксак самарали ислохотлар кейинги босқич учун таъин вазифасини ўтади. Янги Ўзбекистондаги ўзгаришлар ҳам ана шундай изчил таҳлил, стратегик ёндашув ва халқ манфаатини устувор қўйиш сиёсати самараси.

Шу нуқтаи назардан, босиб ўтилган йўлни таҳлил қилиш фақат натижаларни санаб ўтиш эмас, балки келгуси стратегияни белгилаш, муаммоларни бартараф этиш ва мамлакат тараққиётини янги босқичга кўтариш учун зарур шартдир. Бугун мамлакатимиздаги барча соҳа, жумладан, суд-ҳуқуқ тизимидаги кенг кўламли ислохотлар янги Ўзбекистоннинг ҳуқуқий пойдеворини ҳар томонлама мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Қонун устувор бўлган адолатли жамиятда тараққиёт таъминланади. Шу мақсадда суд ҳокимиятининг мустақиллиги амалда мустаҳкамланмоқда, судьялар корпусини шакл-

лантиришда шаффоф ва ҳолис тизим жорий этилди, фуқароларнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари кенгайтирилди. Ўзбекистоннинг бугунги суд тизими рақамли технологиялар ва электрон адолат тизими орқали одил судловнинг шаффофлиги ва самардорлигини таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ўрни ва мақоми Конституцияда аниқ белгиланган, у давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари фаолиятида Конституция устуворлигини таъминловчи конституциявий органдир. Конституциявий суднинг қарорлари ва ҳулосалари давлат органлари ва фуқаролар учун мажбурий кучга эга. Мамлакатимизда ҳуқуқий тизимнинг барқарорлиги ва изчиллигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Конституциявий назорат институти, конституциявий одил судлов ва жараёнларда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг асосий кафолати механизми. Унинг бош вазифаси қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятлари фаолиятида Конституция устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига дахл этувчи ҳар бир қарорнинг конституциявий асосга эга бўлишини кафолатлашдир.

Мамлакатимиздаги конституциявий ислохотлар ҳуқуқий тизимни янгилаш баробарида жамият онгини, фуқаролар ва давлат ўртасидаги муносабатларни, инсон қадрига юксак ишонч тубдан ўзгартирган улкан жараёндир. Янги тахрирдаги Конституцияда давлатнинг ижтимоий моҳияти, инсон қадри, адолат ва ҳамжиҳатлик тамойиллари мустаҳкамланди. Бу ислохотлар халқимиз иродаси, юксак ҳуқуқий онги ва “Инсон қадри учун” деган эзгу гоининг амалий ифодасидир.

Янги Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимини янгиланиш босқичига қадам қўйган бир пайтда Конституциявий суд ҳам замон талабларига мос ҳолда ривожланишининг янги погонасига кўтарилмоқда. Биз фаолиятимизни рақамли технологиялар, инновацион ёндашувлар ва адолатли конституциявий судлов тамойилларига таянган ҳолда янги босқичга олиб чиқиш йўлидамыз. Бундай саъй-ҳаракатлар нафақат конституциявий назорат самардорлигини ошириш, балки янги авлод одил судлов маданиятини яратиш, адолат ва қонун устуворлигини ҳаётимиз мезонига айлантиришда муҳим қадам бўлиши шубҳасиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суднинг ўттиз йиллиги санаси мамлакатимиз Конституциясининг ўттиз уч йиллиги билан ҳамоҳанг нишонланаётганда муҳим уйғунлик бор. Чунки Конституциявий суд бутун фаолияти давомида Конституция устуворлигини таъминлайди. Пировардида инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият бўлган инсонпарвар демократик давлатни, очиқ ва адолатли жамиятни барпо этиш борасидаги конституциявий қадриятларини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

Барчамиз жонанон Ўзбекистонимизни жаҳон миқёсида барча ҳавас қиладиган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат сифатида янгидан барпо этишда давлатимиз раҳбарига қамарбаста бўлиб, ягона аҳил миллат сифатида саъй-ҳаракатларини биргаликда амалга оширамиз. Зеро, шундай бўлсакки яртимизда тинчлик ва осойишталик, фаровонлик ва ахиллик ҳукм суради, тараққиётимиз барқарор ва бардовом бўлади!

Қонун устуворлиги

ТАДБИРКОРНИНГ ЭНГ ИШОНЧЛИ ТАЯНЧИ



Мамлакатимиз Конституцияси ҳуқуқ ва манфаатларимизни ҳимоя қилиши, демократик тамойилларни таъминловчи асосий манба эканини яхши биламиз. Аммо Конституция билан белгиланган айнан қандай ҳуқуқларимиз борлигини ҳар доим ҳам айта олмаيمиз. Табиийки, ҳуқуқларимизни билмаслик уларнинг бузилишига эътиборсизлигимизни келтириб чиқаради.

БОШ ҚОМУСИМИЗ – ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИМИЗ ҲИМОЯЧИСИ



Улуғбек РАҲИМОВ, “Kids Plate Distribution” МЧЖ раҳбари

Тадбиркор сифатида айна шу жиҳатларга ўзим дуч келганман. Очгинин айтганда, авваллари қонун билан белгиланган ҳуқуқларимизни билмас ҳам амалда уларнинг иш-ламаслиги ҳафсаламизни пир қилган вақтлар бўлган. Бугун эса акси — янги таҳрирдаги Конституция моддаларини ёддан айтолмасак-да, уларнинг амалдаги кафолатларини ўз ҳаётимиз, фаолиятимизда ҳис этиямиз.

Тадбиркор, қолаверса, Тадбиркорликни ривожлантириш кенгаши аъзоси сифатида бугун ишбилармонлар ҳуқуқи ва манфаатлари қонун доирасида мустаҳкамланибгина қолмай, фаолиятимизда фаол ақс этаётганидан қувонаман. Янги таҳрирдаги Конституцияда “Давлат тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди”, “Тадбиркорлар қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақли”, дейилади.

Балки кейинги йилларда иш бошлаган ёш ишбилармонлар билмас, аммо узоқ йиллардан буён бизнес соҳасида фаолият юритаётган инсонлар мазкур кафолатлар амалиётда



ишлайётгани, бугун исталган тадбиркор ҳақиқатан давлат ҳимоясида экани қанчалик муҳимлигини яхши билади. Чунки биз қоғозда ёзилган кафолатлар амалда ишланмаган даврларга гувоҳ бўлдик. Илк тадбиркорлигимизни 2009 йилда маркетинг хизматларини кўрсатишдан бошлаган бўлсак, фаолиятимга асоссиз тўсиқларни ҳам, керакисиз ва кети узилмайдиган текширувлар, бозордаги носоголом рақобатни ҳам кўрдим. Шунга қарамай, ишлашда, ривожланишда давом этдик. Бугун эса тадбиркор сифатида ҳақиқий маънодаги эркинликни, ҳуқуқларимиз кафолатланганини ҳис қиламан, аввалгидек ҳавотир ёки қўрқувдан асар ҳам йўқ. Аксича, ортимизда Президентимиз турбули деган ишонч билан фақат олдинга интилдимиз.

2018 йилда бир неча корхонани бирлаштириб, МЧЖ ташкил этдик. Асосий фаолиятимиз ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, чакана ва улгурчи савдодан иборат. Корхонада 70 турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилади. Қўшни давлатларга экспортни йўлга қўйиш ҳаракатидамиз. Ишлаш учун қўлай имконият, шароит бўлса, тадбиркор ривожланиб бораверади. Бугун бизни илҳомлантираётган жиҳат шу. Бунинг ортидан 70 дан ортиқ кишини иш билан таъминлаганимиз. Улар даромад топиб, оиласини тебратяпти.

Ҳозир тадбиркорлик фаолияти дахлсизлиги қонун билан кафолатланган. Бугун ишбилармон одам ҳар қандай текширув келганида ўз фаолиятини давом эттириш ҳуқуқини борлигини билиши керак. Яъни ҳатто текширув вақтида ҳам тадбиркорнинг фаолиятини чеклаш қонунан тақиқланган. Фақатгина инсон ҳаётига хавф солиши мумкин бўлган ҳолатлар бундан мустасно. Мазкур ҳуқуқ ишончда мумкин. Чунки яқин тарихимизда



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ХАМ УҚИШ УЧУН QR-КОДИНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

исталган турдаги текширув сабаб ишлаб турган тадбиркорнинг фаолияти тўхтатиб қўйилган ҳолатлар ўзининг бошимдан ҳам ўтган. Ачинарлиси, текширувлар номаълум сабабларга кўра, оилаб давом этиши ортидан моддий зарар кўрган, фаолиятини қайта тикломай қолган тадбиркорлар қанча. Бугун эса ҳар қандай текширув вақтида, ҳисоб-рақами хатланган ҳолатда ҳам ишбилармон ўз

фаолиятини давом эттиришга ҳақли, маош, коммунал ва бошқа бирламчи тўловларни амалга ошириши мумкин.

Ҳуқуқий кафолат борасидаги катта ўзгаришлар давлатимиз раҳбарининг ҳар йили тадбиркорлар билан ўтказилиши аънамага айланган очиқ мулоқоти давомида билдирилган тақлифлар самараси ҳам, десак муболаға бўлмайди. Масалан, тадбиркорларнинг

хусусий мулкни ноқонуний тортиб олишга йўл қўймастик кафолати. Тўғри, хусусий мулк дахлсизлиги аввалдан бўлган, аммо амалда деярли ишланмаган ёки кимларнингдир манфаатига ишлаган, ҳоло. Ҳозир ҳокимлик бўладими, бошқа давлат ташкилоти бўладими, тадбиркорнинг ер участкаси, биноси ёки ускунасини асоссиз тортиб олишга, иш фаолиятини тўхтатиб қўйишга ҳақли эмас. Бордию шундай ҳолатлар юзга келган тақдирда, кўрилган зарарни қоплаб бериш механизми жорий этилган.

Бизнес эгалари ҳудуд кўп эътироф этилган ва тадбиркорнинг ҳақиқий маънода эркин ишлагани таъминлаётган яна бир жиҳат — текширувларнинг тури қисқаргани ҳамда сифат жиҳатидан ўзгаришлардир. Авваллари ўтказилган текширувларнинг кўпи сабаб ва мақсадсиз бўлган, режа асосида ҳар 3-4 йилда такрорий, фақатгина тадбиркорни ортиқча қийнашга қаратилганини кўпчилик яхши эслайтиди. Бугун ҳеч бир ташкилот ўзидан ўзи, тадбиркорни шунчаки текширмайти. Айрим талаблар юзга келгандагина текширув белгиланади. Агар тадбиркор тўғри ишлаб, солиқларини ўз вақтида тўлаб, қонундан ташқари ҳаракат қилмас, ҳеч ким унинг фаолиятини аралашмайди. Бу борада назорат органларининг хавфни баҳолаш тизими самарадорлиги, ўз навбатида, бошқа тадбиркорларни ҳам тўғри ишлашга рағбатлантираётган жуда кучли механизм, деб биланам.

Бизни доим қийнаб келган яна бир масала лицензия ва рўхсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларнинг ниҳоятда кўпчилиги ҳамда мураккаблиги эди. Ҳозир шуларнинг сони камайиб, расмийлаштириш жараёни анча соддалаштирилди. Ҳозир тадбиркор шу ҳужжатлардан бирини олиш учун қайси бир ташкилотга қонун ҳалол меҳнат, қўнилий ҳажат йўқ. Электрон ариза топширилади ва бу автоматик кўриб чиқилиб, жавоби қонунчиликда белгиланган муддатларда берилади. Бу жиҳат билан ҳақиқатан мақтанасак арийдим.

Бугун тадбиркорнинг ҳуқуқий манфаатлари кафолатлангани фақатгина унинг ишига тўсқинлик йўқолганида эмас, балки қўлай ишбилармонлик муҳити яратилганида ҳам намоён бўляпти. Чунки давлат

тадбиркорнинг ривожланиши, иш фаолияти давом этиши, бунинг ортидан юрт иқтисодиёти ўсиб боришидан манфаатдор. Шу жиҳатдан бизнес эгаси фаолиятда ҳаттоликка йўл қўйса, айби ишбонлигида ҳам иқтисодий зарарни қоплаш имконияти берилиб, жиноят иши очмаслик қоидага айлантирилгани ҳам бунинг исботи. Чунки инсонизм, ҳато қилишимиз табиий. Тадбиркор доим ҳам юз фоз салоҳиятга эга бўлмайди, баъзида фаолиятда камчиликларга йўл қўяди. Бундай вақтда ҳаттои тузатишга имкон бериш уни янада рағбатлантиради.

Умуман, ишбилармон одамга давлатнинг дўсти сифатида қаралиб, катта ишонч билдирилиши. Ана шу ишонч оқлаш фақатгина қонуний ҳуқуқларимиздан тўғри фойдаланиш эмас, балки тўғри ишлаб, фуқаро сифатидаги бурчларимизни ҳам масъулиятни адо этишимизга ундайди.

Масалан, бозорда эркин рақобат муҳити яратилгани барча тадбиркорлар учун кенг йўл очди. Аммо бу истемолчилар ҳуқуқларига дахл қилмаслиги керак. Бозор эркин бўлгани сари контрафакт, яъни лицензияланмаган, сифат сертификатли маъвуд бўлмаган маҳсулотлар кириб қилиши сезиларли камаймапти. Улар сифат назоратини четлаб ўтмоқда, текширувлар йўқлиги эса назоратни бошқариш сустилига олиб келяпти. Шу боис, маҳсулотлар, хусусан, импорт озиқ-овқатлар сифати текширувларини тизимли равишда олиб бориш зарур. Текширув дегани фақат тадбиркорлар фаолиятига дахл қилиш эмас, балки манзилли дастур ҳамда чегараланган миқдосдаги ҳаракатни аниқлаштириб, бу бевоисита истемолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ жараён.

Иккинчи томондан, бозордаги эркинлик базан реклама талаблари бузилишига ҳам олиб келмоқда. Масалан, биз ўзимиз болалар озиқ-овқатларини сотамиз, аммо ҳеч қачон она сутини босувчи бўтқаларни реклама қилмаймиз. Чунки бу қонунан тақиқланган. Лекин баъзи тадбиркорлар бунга эътибор бермайди, болани она сутини билан катта қилишни рағбатлантириш ўрнига, тинмасдан бўтқаларни реклама қилади. Ҳатто рекламада “она сутини ўрнини тўлиқ босадиган” каби ибораларни қўллаш, айниқса, нотўғри деб биланам. Сабаби, ёшларда бу масалага ёндашув ўзгариб борапти. Халқаро ташкилотлар маълумотларига кўра, ҳозирги кунда 25 фозигина аёллар болани 5 ойга қадар она сутини билан озиқлантиряпти. Бошқалар тайёр бўтқаларга ўтиб кетяпти. Тадбиркор бундан фойда кўради, аммо фақат иқтисодий манфаатни ўйлаш ҳам нотўғри. Чунки бу ерда она сутини фойдали микроэлементлар ёш организмга зарурлигидан ташқари, иммунитет, боланинг психологик саломатлиги каби муҳимроқ омиллар ҳам бор. Она сутини ҳеч бир бўтқа боса олмайдими, бунинг истемолчиларга етакчилик, назаримда, тадбиркорнинг ижтимоий масъулияти намунасидир.

Ҳозир тадбиркор бўлиш нафақат шараф, балки катта масъулият ҳамдир. Давлат яратган қўлай шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиш, имтиёз кредитлар, кафилик механизмлари, лизинг дастурлари ва кўрғазмалар орқали янги бозорларга чиқиш имкониятлари биздан ҳалол меҳнат, қонуний фаолият ва жамият олдидаги ижтимоий масъулиятни талаб қилади. Солиқ тўлаймиз, қонунларга риоя этамиз, аҳоли саломатлиги ва фаровонлиги учун фойдали маҳсулотлар яратиб, жамият манфаати йўлида хизмат қиламиз. Бу — бизнинг таловимиз, касбий ва инсон сифатидаги ўзликимизни белгилайдиган ҳаёт йўлидаги вазифамиз. Шу йўлда Конституциямиз биз учун энг ишончли таянчдир.

Меҳнат муносабатлари



Дилфуза АБДУЛЛАЕВА, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МОС ТЕНГЛИК

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда меҳнат соҳасида кенг қамровли ислохотлар олиб борилиб, инсон қадри ва унинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича муҳим ҳуқуқий база шакллантирилмоқда.

Хусусан, Конституцияда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, маъқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглик мустаҳкамланган. Шунингдек, ҳар ким муносиб меҳнат қилиши, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қўлай меҳнат шартлоарида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашини белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, ишсизликдан қонунида белгиланган тартибда ҳимояланган ҳуқуқига эга экани белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, Меҳнат кодексига меҳнат ҳуқуқларининг тенглиги, меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишни тақиқлаш принципи белгиланган. “Аёллар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунлар ҳам меҳнат соҳасида камситишга йўл қўймастиклиги кафолатлайди.

ХМТ меҳнат соҳасида камситишни бартараф этишни инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири сифатида белгилайди. Бу борада иккита асосий халқаро ҳужжат — Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш тўғрисидаги ҳамда Тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги конвенциялар катта аҳамиятга эга. Уларга кўра, ирқи, жинси, эътиқоди, миллати, ижтимоий келиб чиқиши, сиёсий қарашлари ёки бошқа белгиларга кўра камситиш тақиқланади. Давлатдан ишга қабул қилиш, ҳақ



тўлаш, лавозим бўйича кўтарилиш ва меҳнат шартлоарида тенгликни таъминлаш талаб этилади. Шунингдек, эрга ва аёлларга тенг кадр-қимматга эга меҳнат учун бир хил ҳақ тўлашини кафолатланади.

Бу халқаро ҳужжатлар давлатлар олдида қуйидаги вазифаларни қўяди: камситишга қарши ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, назорат механизмларини шакллантириш ва амалий чора-тадбирлар орқали барқарор тенглик сиёсати юритиш. Бугунги кунда халқаро ҳимоянинг замонавий тенденциялари ишга қабул қилишда тенг имконият, аёллар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун алоҳида қўллаб-қувватлаш дастурлари, “Workplace harassment” — иш жойида таъذيب ва зўравонликка қарши қатъий сиёсатдир.

Шу билан бирга, амалда қатор муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда. Айрим соҳаларда аёллар меҳнатига яширин чекловлар, ишга қабул қилишда “тажриба” баҳонасида тенгсиз муносабат, ногиронлиги бўлган киши учун инфратузилма етарли эмаслиги, “Workplace harassment” ҳолатларини расмийлаштириш ва исботлаш шулар сирасига қиради.

Меҳнат соҳасида камситишга қарши амалий тавсиялар сифатида иш бевуқчиликка қарши ҳуқуқий базани таъминлаш талаб этилади. Шунингдек, эрга ва аёлларга тенг кадр-қимматга эга меҳнат учун бир хил ҳақ тўлашини кафолатланади.

Бу халқаро ҳужжатлар давлатлар олдида қуйидаги вазифаларни қўяди: камситишга қарши ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, назорат механизмларини шакллантириш ва амалий чора-тадбирлар орқали барқарор тенглик сиёсати юритиш. Бугунги кунда халқаро ҳимоянинг замонавий тенденциялари ишга қабул қилишда тенг имконият, аёллар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун алоҳида қўллаб-қувватлаш дастурлари, “Workplace harassment” — иш жойида таъذيب ва зўравонликка қарши қатъий сиёсатдир.

Умуман олганда, меҳнат муносабатларида камситишга йўл қўймастик — демократик жамият, барқарор иқтисодиёт ва инсон қадрини устувор билувчи давлатнинг асосий белгиларидан бири. Халқаро меъёрлар ва Ўзбекистон қонунчилиги бу борада мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратган. Эндликда асосий вазифа ушбу нормаларнинг амалда тўлиқ ва самарали ишлаганини таъминлаш, иш жойларида тенглик маданиятини шакллантириш, ҳар бир ходимнинг шахсий қадри ва имкониятини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Долзарб мавзу



КОРРУПЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ТУШОВИ

Юртимизда давлат бошқарувида ошкораликни таъминлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга қаратилган ишлар кўлами тобора тизимли бўлиб борапти. Ушбу ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида корхоналар ва ташкилотларда замонавий комплаенс назорат тизимини жорий этиш ва тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти ижро аппаратида Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ташкил этилган.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2025 йил 21 апрелдаги “Давлат органлари ва ташкилотларнинг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида жамиятнинг 9 та филиали шатларига комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш йўналишида бош мутахассис лавозимлари киритилди.

Жорий йилда коррупцияга қарши курашни тақомиллаштириш ҳамда шаффофликни кучайтириш мақсадида “Ўзбекгидроэнерго” АЖда 21 банддан иборат чора-тадбирлар дастури қабул қилинди. Ҳар бир вазифанинг ижроси босқичма-босқич таъминланиб, назорат ишлари кучайтирилди.

Корхонада қабул қилинаётган барча буйруқ ва ҳужжатлар қонунчилиги, шаффофлик ҳамда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймастик тамойиллари асосида экспертизадан ўтказилиши таъминланмоқда.

Ноябрь ойида ўтказилган кузатув аудити натижасига кўра, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ фаолияти ISO 37001:2016 — “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими” халқаро стандарти талабларига тўлиқ мувофиқ экани яна бир бор тасдиқланди. Халқаро сертификатловчи ташкилот томонидан ўтказилган текширув жамиятдаги комплаенс назорат тизими барқарор ҳамда самарали йўлга қўйилганини кўрсатди.

Шу боис, жорий йилда жамиятнинг 81 рақбар ходими Адлия вазирлиги, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилган ўқув курсларида ўқиди. Уларнинг 20 нафари махсус сертификатга эга бўлди.

Шу билан бирга, комплаенс назорат йўналишида ишловчи ходимлар Европа Иттифоқи, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти ва Латвия Марказий молия агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган ўқув семинарларда фаол иштирок этди. Булар мутахассисларнинг профессионал салоҳиятини мустаҳкамлашга, коррупцияга нисбатан муросасини курашишга қаратилган ҳуқуқий онгини ўстиришга хизмат қилади, албатта. Жамиятда очкилик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтда “Очиқ маълумотлар” бўлими мунтазам янгиланиб, корхона фаолиятига оид муҳим ҳужжатлар ва маълумотлар жамоатчилик учун очик тарзда тақдим қилинмоқда.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖда коррупциянинг олдини олиш, ҳалоллик ҳуқуқини яратиб ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймастик бўйича қўрилатилган чора-тадбирлар давлат сиёсатида белгиланган устувор йўналишлар билан ўйин равишда давом этмоқда. Жамиятда шаффофликни таъминлаш ҳамда стандартларга мос тизимни шакллантириш ва жамоатчилик билан очик мулоқотни кучайтириш келгусида ҳам изчил равишда давом эттирилади.

Ҳулқар ЖўРАЕВА, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ахборот хизмати бош мутахассиси

Янги Ўзбекистонда аҳолининг эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлаш ва муносиб турмуш шароити яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан. Шу асосда ижтимоий ҳимоя тизими тубдан янгиланиб, бу борадаги ишлар аниқ мақсадли ва манзилли дастурлар асосида амалга оширилмоқда. Жумладан, Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ишга туширилгани миллионлаб фуқаролар маълумотларининг рақамли платформада жамланишида қўл келди.



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ



ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАСЛИгини АНГЛАТУВЧИ САМАРАЛИ ТИЗИМ

Давлат томонидан кўрсатилаётган ижтимоий ёрдам ва хизматлар самарадорлиги ортиб, ортиқча қўғоғозликлар бартараф этилди. Коррупцион ҳолатларнинг олди олинди. Тизим орқали фуқароларнинг эҳтиёжини реал вақт режимида аниқлаш ҳамда ижтимоий ёрдамнинг адолатли тақсими таъминланди. Натияжада нафақалар, болалар учун тўловлар, уй-жой субсидиялари ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган ёрдам миқдори сезиларли даражада ошди.


Жорий йилнинг 9 ойида кам таъминланган 690 мингдан ортиқ оилага болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тўлаб берилгани ва айни пайтга келиб, республикамиздаги оилаларнинг 6,3 фоизи ушбу реестрда рўйхатда туриши фикримиз тасдиғидир.

Мазкур ишлар натижасида ижтимоий ҳимоя тизимида фуқароларнинг меҳнат бозорига қайта интеграция қилинишига катта эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда касбга ўқитиш, янги иш ўринлари очиб ва фаол ижтимоий сиёсат орқали аҳолини иш билан таъминлаш чоралари кўриляпти.

Президентимизнинг жорий йил 8 майдаги “Ўзгалар парваршига муҳтож шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан тадбиркорлик субъектлари ва Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тасарруфидоги ташкилотлар томонидан 5 та янги хизмат йўлга қўйилди. Хусусан, “Фаол ҳаётга қадм” дастури доирасида ўзгалар парваршига муҳтож шахслар уй шароитида ҳамда кундузги қатнов асосида қараб туриш хизматларига қамраб олинган. Жорий йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, 5929 фуқарога қараб туриш хизмати кўрсатиш йўлга қўйилди.

Бандлик — ижтимоийлашувнинг асосий омилли. Шундай экан, меҳнат нафақат даромад манбаи, балки шахсининг жамиятдаги ўрнини белгилайдиган муҳим ижтимоий восита ҳамдир. Иш билан таъминлангани эҳтиёжманд оилаларнинг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаб, ижтимоий фаоллигини яхшилайдиган, фарзандлар онгида меҳнатнинг қадр-қимматини оширади.

Ҳозирги глобал тараққиёт жараёнида “инклюзивлик” тушунчаси тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. У жамиятнинг барча қатламлари



“Инклюзив меҳнат сиёсати фақат давлат органлари эмас, балки маҳалла тизими ва нодавлат ташкилотлар иштирокини ҳам талаб этади. Маҳаллаларда аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари аниқланиб, улар учун яшаш жойида иш ўрни яратиш, касб-хунарга ўқитиш орқали ижтимоийлашувга йўналтириш муҳим аҳамиятга эга.



3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни

Феруза туғилганида соғлом, бинойидек қизалоқ эди. Отанаони уни асраб-авайлашга уринар, бир олам орзулар оғушида тарбия қиларди.

Қизи улғайса, нуфузли олийгоҳларда таълим олиши ҳақида ўйларди. Бу олам-олам ниятлар уларга ўзгача завқ берарди. Аммо ҳаёт синовларини олдиндан билиб бўлмас экан...

Уларнинг хонадони поезд йўлига яқин эди. Кунларнинг бирида уйда ёлғиз қолган қизалоқ поезд йўлига чиқиб қолди. Бола темир йўл изларида ўтирганча, ўйинга берилди. Бир пайт баҳайбат поезд чинқирганча келиб қолади. Бошқарувчи шунча огоҳлантириш берса-да, болани кўтарганча четга олиб чиқадиган бирор киши топилмайди.



САБР ВА ИРОДА БИЛАН БАХТНИ ЯРАТГАН АЁЛ

Феруза бир зумда етиб келган вагонлар тағидида қолиб кетади. Фариқат оёқ остида, дея бежиз айтмаган. Нар борса ўн беш дақиқа ичида шу ҳолат рўй беради. Қувонарлиси, вагонлар ўтиб кетганида у тирик қолади. Аммо бир қўлининг билагидан, бир қўлининг икки бармоғидан айрилади. Бундан хабар топган ота-она хушини йўқотади...

Катта жарроҳлик амалиёти ўтказилиб, қизнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Энди 2-гурӯх ногирони бўлиб қолган қизни улғайтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур эди. Ота-онаси унинг инжиқликларига кўнгикиб, имкон борича кўнглини ўқитмасликка ҳаракат қиларди. Унга керакли шароитни яратиш

тушкунликка тушиб юриш нодонлик. Бирор марта тақдиримдан ногираним йўқ. Бу ҳаётда ҳаракат қилган киши ҳеч қачон кам бўлмайди. Бор-йўғи учта бармоқ билан бўлса-да, бутун рўзгорга нафим тегаётганидан мамнунман. Агар уйда ногиронман, дея ўтираверсам ҳам кун ўтади. Аммо бу одамийликка тўғри келмайди. Бунга қабул қилолмайман. Негадир изланишда тўхтаб қолгим келмайди. Шукрки, биз каби имконияти чекланганлар учун қатор имтиёзлар берилган. Бундан ташқари, ногиронлиги бор шахсларни ишга қабул қилган тадбиркорлар учун ҳам солиқда енгилликлар бор. Бугун мен Қарши шаҳридаги Ерқўрғон бозорига ораста бўлиб ишлайман.

вилоятга яхши танилган. Мисол учун, яқинда якунига етган пахта терими мавсумида қаҳрамонимиз бир кунда 100-120 килограмм пахта терганига гувоҳ бўлганлар ҳайратдан ёқа ушлади. Ижтимоий тармоқлар орқали ҳам унинг бу маҳорати қўллаб-қўлқилларга сазовор бўлди. Икки қўл билан аранг 30-40 килограммдан нарига ўта олмайдиганлар атғи учта бармоқ билан бир центнердан кўп пахта тараётган опани кўриб, уятдан юзи қизаргани бор гап.

— Ёшлигимда пахта териши яхши кўрардим, — дейди Феруза. — Терим пайтида иткан бўш вақтларим, дам олиш кунлари этак тақиб, далага йўл оламан. Эрта тонгдан кечга қадар юз килодан зиёд пахта терганимни кўрганлар тоғида ишонмайди. Баъзида қўлларим гумона қориб ортимдан кузатиб юрган дамлар ҳам бўлган. Ҳақиқат меҳнатда эканини англаб, жим қолишган. Ҳалол меҳнатга нима етсин? Бир кунда терим ортидан 200 минг сўмдан ортиқ пул ишлаб топиб, рўзгорга нафим тегса ёмонми?! Шундай юртда яшаётганимдан мамнунман. Бирор марта эътибордан четда қолганим йўқ. Масъуллар доим аҳволимиздан хабардор бўлиб турибди. Яқинда бир миллион сўм моддий ёрдам беришди. Қиш фасли олдиндан бу бизга катта кўмак бўлди. Китоб ўқиган кишиларни жуда яхши кўраман. Шу сабаб ҳар сафар маоши олсам, албатта, битта бўлса-да, бадий китоб сотиб оламан. Фарзандларим ўқиб, билими бўлсин, дейман.

“ФЕРУЗА ОПА МЕҲНАТКАШИЛИГИ БИЛАН АЛЛАҚАЧОН НАФАҚАТ МАҲАЛЛАСИДА, БАЛКИ БУТУН ВИЛОЯТГА ЯХШИ ТАНИЛГАН. МИСОЛ УЧУН, ЯҚИНДА ЯКУНИГА ЕТГАН ПАХТА ТЕРИМИ МАВСУМИДА ҚАҲРАМОНИМИЗ БИР КУНДА 100-120 КИЛОГРАММ ПАХТА ТЕРГАНИГА ГУВОҲ БЎЛГАНЛАР ҲАЙРАТДАН ЁҚА УШЛАДИ. ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ОРҚАЛИ ҲАМ УНИНГ БУ МАҲОРАТИ КЎПЛАБ ОЛҚИШЛАРГА САЗОВОР БЎЛДИ.

тиб беришганди. Вақт ўтиб мактабга қатнаш бошлади. Тиришқоқлиги боис, ўқини тез ўзлаштириб олди. Зехни ўткирлиги сабаб бошқа тендошларига нисбатан анча иқтидорли эди. Қучли хотираси билан устозларни доим қўйиб қолдирарди.

Мактабни тугатган, оила қурди. Турмуш ўртоғи билан Қарши туманидаги Пахтазор маҳалласининг энг бахтли оилалари қаторида тилга олинди. Бутун улар тўрт фарзандни дунёга келтириб, вояга етказмоқда.

— Бахтсиз тасодиф туфайли ногирон бўлиб қолганман, — дейди Феруза Бўриева. — Лекин шундай эканман, дея

Бошида кўпчилик бу ишни бажариб кетишимга шубҳа билан қараганди. Ҳозир энг чаққони ўзим эканимни тан олишади. Биласизми, шу пайтгача бирор марта ҳеч бир идора эшигини таққилиб, ёрдам сўраб бормадим. Барчасига меҳнатим орқали эришяпман. Фарзандларимизни бировдан кам қилмадим. Рўзгоримиз бут. Ҳоҳида соғлом, тоғни урса талқон қилгудек кучга эга кишилар ёрдам сўраб юрганини кўриб ачинаман. Катта томоқраси бўлса-да, меҳнат қилишга эринадиган дангасалардан бир оз жаҳлим чиқади.

Феруза опа меҳнаткашлиги билан аллақачон нафақат маҳалласида, балки бутун

Вилоятдаги Азизжон Норматов. — Бунинг самараси ўлароқ, шогирдимнинг миллий мукофот даражасида тақдирланганидан бошим осмонга етди. Дадаси билан илк бор стадионимизга кириб келганини эсладим. Ушанда унинг халқаро даражадаги спортчи бўлиб етишишини билганман. Унга астойдил ҳаракат қилсанг, бутун дунёга танилишинг мумкин деб кўп бор айтганман. Олдимизда битта катта мақсад турибди — 2028 йилги Паралимпия ўйинларида олтин медални қўлга киритиш. Бунинг учун барча шароит бор, имкониятимиз етарли.

Қаҳрамонимизнинг онаси айтганидек, у ҳам оддийгина. Ўзини эҳтиёт қилиб яшаб юриши мумкин эди. Ваҳоланки, Дилноза ая бу фарзандини кўп авайлаган, керак бўлса спортни ҳам таққиломчи бўлган. Бирок Шаҳина соғлом одамлар қилдиган ишларга қодирлиги, хусусан, спортда ҳам имконияти эмаслигини исботлаш йўлида қатъий борапти.

Зеро, параспортчилар чинакам матонат тимсоллари, метин иродалилик бобида инсонларга ибратдир. Аслида, уларнинг шунчаки спорт билан шугулланиши ҳам катта нажия. Бирок улар орасида жаҳон ареналарида рекордга эришадиганлар анча-мунча экани инсон зоти неларга қодирлигини амалда кўрсатиб турибди.

Ақбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Матонат

БЕТАКРОР РЕКОРД СОҶИБАСИ



2025 йилнинг 18 ноябрь фарғоналик Шаҳина Йигиталиева ҳаётида унутилмас кун бўлиб қолди. Шу кунни пойтахтимизнинг Анжуманлар саройидаги улкан монитorda инсон ҳаётига доир таъсирилик ҳикоялар жонланди. Улар орасидан ёш параатлет, фарғоналик 16 ёшли Шаҳинанинг ҳаёт ҳикояси ҳам ўрин олгани диққатга сазовор. “Инсон фахри” миллий мукофоти учун 11 йўналиш бўйича йил қаҳрамонларини танлаб олишда ташкилотчилар томонидан юзлаб таъсирилик ҳикоялар ўрганиб чиқилди.

Ёш параатлет ҳикоясининг аввалида экранда 16 йил аввал тўртинчи бор қиз фарзандли бўлганидан эмас, унинг бир қўли яримта эканидан чуқур қайғуга ботган отанин нурли чеҳраси кўринди: “Шаҳина қизимиз 2008 йили дунёга келди. Уч опаниннинг ҳаммаси соғлом. У эса чап қўлида нуқсон билан туғилди. Бу нимадан экан, дея узоқ ўйланганман”. Кўзида сезилар-сезилмас ёш айланган ота сиймоси ўрнини хохисор ёш аёлининг маҳзун, айни пайтда шукроналиқдан гўлгун чеҳраси эгаллади: “Қизимни дунёга келтирганимда ҳамма оналар қатори хурсанд бўлганман, бироқ “Нима учун? Қандай қиз бўларкан?” деган саволлар гирдобиди қолганман”.

— Биринчи марта 14 ёшида Хитойда катталар ўртасидаги Параолимпия ўйинларида қатнашган. Биз, оддий одамлар, спортни унча тушунавермасдик. Ушанда рекордини янгиланган ва олтин медал олинди. Президентимиз фарзандимизни бағрига босиб, алоҳида табриклаганида, бу мусобақанинг мавқеи банд, нуфузли эканини билганмиз. Олтин медал олганини эшитганимизда эса онаси иккаламиз боғда ўтиргандик, йилгаганимиз, — деди Шокир ака Турдалиев.

Унинг ярами чала айтилган “Йилгаганимиз” сўзи томошабинини ҳам йилгади.

— Болагимизда дунёда битта меннинг қўлим шундай бўлса керак деб ўйлардим, — деган самимий сўзлар ортидан истаралиқкина, кўзлари қулиб турган Шаҳина пайдо

бўлди. — Чунки мен ўзимга ўхшаган одамни кўрмаганман. Боғчада икки киши бўлиб рақсга тушилар, мен ҳам бир биланинг шериғи бўлишим керак эди. Ҳалиги бола боғча оламизга “Шаҳина билан рақсга тушайман, унинг қўли йўқ”, деди. Шартта чиқиб кетиб қолганман.

Бу каби ҳолатлар бола руҳиятига салбий таъсир қилади, албатта. Мактабда ўқий бошлаганида ҳам Шаҳина спортга қизиқмас, жисмоний тарбия дарсларида шунчаки ўйнаб юришни яхши кўрарди. 2019 йилда яқинларидан бирининг тавсияси билан дадаси уни Данғарадаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабига олиб борди.

— 2021 йилдан буён катта мусобақаларда қатнашиб келаётган бўлсам, ўтган йили Франциядаги биринчи Олимпиадада жуда ҳаяжонландим. Катта майдон, минглаб томошабинлар, қўллаб-қўллаб-қувватловчилар. Гарчи олтин медал ололмаган бўлсам-да, кейинги Олимпиадада учун олдимга улкан мақсадларни қўйганман. Паралимпияда рекорд мен кутган галаба эмас. Энг катта орзум — соғлом спортчилар билан беллашиб, улар орасида ҳам рекорд натижани қайд этиш, — деди ёш спортчи.

Гулдурор қарсақлар чалинди, олқишлар, эътирофлар бўлди. 15 ёшида жаҳон ареналари тоқиди байроғимиз мағрур хилпирашига сабабчи бўлган Шаҳина ўз иродаси билан бошқаларга намуна бўлиб келаётган энг ёш юртдошимизга айланди.

“Бундай жиддий даврада, катта-катта ишларни амалга оширган инсонлар қаторида туришим, тўғриси, ҳаёлимга ҳам келмаган ва меннинг ёшимда бу табиий бўлса керак. Биринчи марта ўтказилаётган ва жуда ҳаяжонли бу тадбирда мамлакатимизнинг кўзга кўринган шахслари, юқори лавозим эгалларини кўрдим. Энг ҳаяжонлиси, ота-онам ҳам ёнимда эди. Шу тобада бениҳоя бахтиёр инсонга айландим. Бир пайтлар фақат меннинг қўлим шундай бўлса керак деган бола тушунчам ўрнини “Наҳотки, айнан меннинг ютуқларим эътирофга лойиқ бўлса”, деган ҳайрат эгаллади. Бунинг учун, аввало биз, параспортчиларни мана шундай эътибор ва эътирофга муносиб кўриб, барча шароитларни яратиб бераётган Президентимиздан миннатдорчилигимнинг чеки йўқ.

Айни пайтда устозларим билан 2028 йил Лос-Анжелес шаҳрида (АҚШ) бўлиб ўтадиган XVIII Паралимпия ўйинларига тайёрланишимиз. Галаба ва яна галаба учун барча шароит етарли. Эндиликда параспортчилар, айниқса, ногиронлиги бўлган қизларга имкониятига қараб бошқа спортчилар билан бирга шугулланишига шароит яратиб берилиши бизни янада руҳлантиради”, дейди Шаҳина.

Ҳа, бутун мамлакатимизда параспортчиларга, айниқса, қизларга эътибор ҳар қачонгидан кучли. Сўнгги уч йилда параспорт билан мунтазам шугулланувчилар 4 қарра қўлайиб, 7 миңдан ошгани, аёл параспортчилар улushi эса қарийб 30 фоизга етгани бунинг амадаги кўриниши.

Муножа МўМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

